ФАРҒОНА ВОДИЙСИ АСАЛШИРАЛИ ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ СИСТЕМАТИК ВА ТАКСОНОМИК ТАҲЛИЛИ

Н.М.Наралиева, А.А.Раҳматов

Мақолада Фарғона водийсида тарқалган асалширали ўсимликларнинг систематик, таксономик таҳлили илк бор баён этилган.

***Калит сўзлар**: ўсимликлар қоплами, тоғ ва тоғолди ҳудуди, асалширали ўсимликлар, гулшира.*

В статье впервые приведён систематический и таксономический анализ медоносных растений во флоре Ферганской долины.

***Ключевые слова**: растительный покров, горная и предгорная зона, медоносное растение, нектар.*

This article presents systematic and taxonomic analysis of the nectarifers in flora of Fergana valleys.

***Key words**: vegetation, mountain and foothill's nectarifers, nectar.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 16 октябрь куни "Республикамизда асаларичилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор имзоланди. Ушбу ҳужжат асаларичилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш, тармоқда наслчилик ишларини илмий асосда ташкил этиш, асаларичилик хўжаликлари фаолияти самарадорлигини ошириш, асал маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини янада кўпайтириш, асални қайта ишлаш бўйича замонавий технологияларни жорий этиш, соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш, шунингдек, асаларичилик соҳасидаги илғор тажрибаларни республиканинг барча ҳудудларида татбиқ этиш мақсадига қаратилган.

Қарорда асаларичилик хўжаликларига "...асалари оилаларини асал йиғиш мавсуми давомида ўрмон фонди ерлари, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар (давлат қўриқхоналари, биосфера резерватининг қўриқланадиган зонасидан ташқари), тоғ ва тоғолди ҳудудлари, табиий пичанзор ва яйловлар ҳамда қишлоқ хўжалиги ерлари фойдаланишга бепул берилади" дейилган. Шундан келиб чиқиб, асаларичиликни ривожлантиришда табиий ландшафтлардан фойдаланиш, майдонларни кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, Фарғона водийси Ўрта Осиёнинг турли-туман ўсимликларга бой ҳудуди бўлиб, улар орасида асаларилар учун муҳим озуқа манбаи бўладиган асалширали ўсимликлар гуруҳи алоҳида аҳамият касб этади. Асалширали ўсимликларни барча иқлим минтақаларида, жумладан, турли ўсимлик қопламларида, айниқса, тоғолди ва тоғли ҳудудларда кўп учратиш мумкин. Қадимдан тоғолди минтақасининг оққурай, кавар, шашир, читир, сассиқ коврак ва ширачлар тарқалган майдонларидан асаларичилар кенг фойдаланиб келган [3].

Асалли, асалширали ёки гулширали ўсимликлар деганда гулларидан асаларилар гулшираси ва чанги оладиган ўсимликлар назарда тутилади. Ҳозирда ёввойи (табиий), маданий ва манзарали асалширали ўсимликлардан асаларичиликда кенг фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон флорасида кийик ўти, тоғрайҳон, бурчоқ, арслонқуйруқ, меҳригиё, зуфо, гулхайри, шашир, афғон шашир, ҳўкиз тили, себарга, ширач, тошкакра, мармарак, лолақизғалдоқ, қисроқ, айиқтовон, андиз, лимон ўти каби 300 дан ортиқ тур тарқалган [1]. Лекин барча асалширали ўсимликлар ҳам гулшира ажрата олмайди, шунингдек, бир турдаги ўсимлик ҳар йили ҳам бир хилда гулшира ажратиб бермайди. Шунинг учун ҳам улар асаларичиликда муҳим роль ўйнамайди. Бунга асосий сабаб ҳудуднинг экологик муҳити, шароитидир [4].

Анатомик жиҳатдан бу хил ўсимликларнинг гулшира ажратадиган махсус тўқималари жуда нозик ва сезгир бўлиб, улар ташқи ноқулай иқлим омилларига тез реакция кўрсатади. Шунинг учун ҳам фақат об-ҳаво шароити нормал бўлиб, ҳаво ҳарорати етарли даражада бўлгандагина улар шира ажратадилар. Демак, тоғли ҳудудлардаги бундай ҳолат асалширали ўсимликлардан фойдаланишнинг янгича усулларини, яъни бу хил ўсимликларни кўпайтириш, маданийлаштириш ва етиштиришни тақозо этади.

2015-2017 йилларда олиб борилган изланишлар, кузатишлар ва таҳлиллар шуни кўрсатдики, Фарғона водийсида 24 оила ва 130 туркумга мансуб 200 турдан ортиқ асаширали ўсимликлар учрайди (1-жадвал).

1-жадвал

Фарғона водийсининг асосий асалшираli ўсимликларининг таксономик таҳлили

№	Оиланинг номи	Туркумлар сони	Умумий туркумлар сонига нисбатан % ҳ.
1	Айиқтовондошлар – *Ranunculaceae*	4	3,0
2	Бигнониядошлар- *Bignoniaceae*	2	1,5
3	Бурчоқдошлар- *Fabaceae*	26	20
4	Чиннигулдошлар- *Caryophyllaceae*	2	1,5
5	Далачойдошлар – *Hypericaceae*	2	1,5
6	Ғовзабондошлар – *Boraginaceae*	4	3,0
7	Гулхайридошлар – *Malvaceae*	6	4,6
8	Гунафшадошлар-*Violaceae*	1	0,7
9	Карамдошлар – *Brassicaceae*	4	3,0
10	Ковулдошлар–*Capparaceae*	1	0,7
11	Кунжутдошлар –*Pedaliaceae*	1	0,7
12	Магнолиядошлар-*Magnoliaceae*	2	1,5
13	Наврўзгулдошлар – *Primulaceae*	1	0,7
14	Найкосадошлар –*Lythraceae*	1	0,7
15	Қўнғироқгулдошлар –*Campanulaceae*	2	1,5
16	Қоқиўтдошлар – *Asteraceae*	17	13
17	Атиргулдошлар-*Rosaceae*	15	11,5
18	Сигирқуйруқдошлар-*Scrophulariaceae*	4	3,0
19	Толдошлар – *Salicaceae*	1	0,7
20	Торондошлар – *Polygonaceae*	4	3,0
21	Ялпиздошлар -*Lamiaceae*	15	11,5
22	Зайтундошлар – Oleaceae	5	3,8
23	Зирадошлар –*Apiaceae*	6	4,6
24	Зиркдошлар –*Berberidaceae*	4	3,0
	ЖАМИ:	130	100%

Жадвалдан кўриниб турибдики, Фарғона водийси флорасида Бурчоқдошлар оиласининг асалширага бой туркумлари энг кўп тарқалган. Оиланинг 26 туркумга (20%) мансуб 50 дан ортиқ турлари асосий асалшираli ўсимликлар ҳисобланади. Тиқандарахт *(Gleditschia L.)*, ипак акация *(Albizia Durazz.)*, цезальпиния *(Cesalpinia L.)*, тухумак *(Sophora L.)* қуёнсуяк *(Ammodendron Fisch.)*, босма (*Indigofera L.)* каби манзарали дарахт ва буталар ҳам табиий асал манбаи ҳисобланади.

Фарғона водийсининг табиий ҳолда ўсувчи *Caragana*, *Calophaca , Astragalus L., Oxytropis DC., Alhagi Gagneb., Glycyrrhiza L., Hedysarum L., Onobrychis Mill.,Vicia L., Cicer L., Melilotus Mill., Medicago L., Trifolium L.* туркумларига мансуб турлари энг кўп тарқалган асалшираli ўсимликлардир. Маданий ҳолда эса оиланинг ловия, нўхат, ерёнғоқ, соя, беда каби туркумлари асаларилар-нинг севимли ўсимликлари ҳисобланади.

Иккинчи ўринда Қоқиўтдошлар оиласига мансуб туркумлар (17 туркум, 13%), учинчи ўринда эса Ялпиздошлар ва Атиргулдошлар оилалари (15 туркум, 11,5%) туради. Қоқиўтдошлар оиласига мансуб асалшираli ўсимликларнинг гуллари турли-туман ва ўзига хос ҳидга эгалиги туфайли асаларилари жалб қилади. Бундан ташқари, бу оиланинг турлари, асосан, тиканли поя ва баргга эгалиги учун ўтхўр ҳайвонлар истеъмол қила олмайди. Шунинг учун ҳам Қоқиўтдошлар оиласида асалшираli ўсимликларнинг миқдори ва сони нисбатан кўпроқ. Ялпиздошлар ва Атиргулдошлар оиласининг барча вакиллари гулларининг хушбўйлиги, узоқ ва доимий гуллаши билан алоҳида ўрин тутади.

Гулхайридошлар ва Зирадошлар оиласидан ҳам (6 туркум, 4,6%) ўндан ортиқ турлар асосий асалшираli ўсимликлар сирасига киради. Оқ гулхайри, қизил гулхайри, тугмачагул кабилар табиий ҳолда тарқалган бўлса, ғўза, каноп маданий

асалшираli ўсимликлар ҳисобланади. Зирадошлар оиласига мансуб *Prangos Lindl.* (шашир), *Bunium L.* (зира), *Ferula L.* (коврак), *Dorema D. Don.* (болқурай) туркуми вакиллари қадимдан табиий асал манбаи сифатида маълумдир. Бундан ташқари кавар, оққурай, шашир, тоғрайҳон каби табиий ўсувчи турлар асаларичиликнинг манбаи ҳисобланади.

Хуллас, Фарғона водийси асаларичиликни ривожлантиришга кенг имкониятлар берувчи ўсимлик оламига эга. Ундан оқилона фойдаланиш нафақат асал етиштиришни кўпайтириш, балки қўшимча иш ўринларини яратиш имконини ҳам беради. Чунки ўсимликларни асаларичилик эҳтиёжларини қондирадиган даражада ва ҳажмда маданийлаштириш айнан шу соҳа билан шуғулланувчи мутахассисларни тақозо қилади. Иккинчи томондан, ҳудудларнинг асаларичилик хўжаликлари ихтиёрига берилиши экологик вазиятнинг яхшиланиши, чангланиш ҳисобига табиий пичанзор ва яйловларнинг кенгайишига замин бўлади.

Адабиётлар

1. Флора Узбекистана. В 6 т. Т. 1-6. – Т., 1941-1962.

2. Халкўзиев П. Флора и растительный покров бассейна реки Шахимардан: Дисс. … канд. биол. наук.– Т., 1971. – 345 с.

3. Ҳамидов Ғ.Х. Ўзбекистоннинг асосий асал ширали ўсимликлари.- Т., 1969.- Б.9-11.

4. Ҳожиматов Қ. Эфир мойли ўсимликлар.- Т.: Фан, 1971.

Андижон давлат университети,
2017 йил 17 октябрда қабул қилинган
(Тақризчи: б.ф.д А.Р.Батошев)